
САЙЛОВЛАРНИ ЎТДИ, ДЕЯ ҲИСОБЛАШ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтаётган сайловлар мамлакатимизда, жумладан, Қувасой шаҳрида эрталабки соат 8.00 дан бошлаб кеч соат 20:00 га қадар давом этади.

Дастлабки олинган маълумотларга кўра, маҳаллий вақт билан 17:00 га қадар умумий сайловчиларнинг 78,3 фоизи ўз танлаган номзодига овоз берган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 96-моддасига кўра сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 фоиздан ками иштирок этган бўлса ўтмаган, деб топилади.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтаётган сайловларни ўтди, дея ҳисоблаш мумкин.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2019-12-22 17:04:33